

ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.12.2020.1.130.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ НАЗАР ҒУЛОМ ЎҒЛИ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.15. – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Назаров Назар Гулом Ўғли

Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектларининг
инновацион-инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмини
такомиллаштириш..... 3

Назаров Назар Гулом Ўғли

Совершенствование механизма поддержки инновационно-
инвестиционной деятельности субъектов предпринимательства в
свободных экономических зонах 26

Nazarov Nazar G'ulom O'g'li

Improving the mechanism for supporting innovation and invest-
ment activities of business entities in free economic zones 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.12.2020.1.130.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЗАРОВ НАЗАР ҒУЛОМ ЎҒЛИ

**ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.15. – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қўқон шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1024 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.kokanduni.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Закирова Сайёра Алимовна
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Умаров Илхомжон Юлдашевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Суюпов Дилмурод Холмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Қўқон университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.I.106.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» 11 куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150700, Қўқон шаҳар, Туркистон кўчаси 28-а уй. Tel.: (99873) 5453333, email: info@kokanduni.uz

Диссертация билан Қўқон университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150700, Қўқон шаҳар, Туркистон кўчаси 28-а уй, Tel.: (99873) 5453333, email: info@kokanduni.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 10 куни тарқатилди.

(2022 йил 28 10 даги 2-рақамли реестр баённомаси).



Ш.И. Мустафакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ғ.Б. Қувватов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

М.Т. Бутабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, эркин иқтисодий зоналар мамлакатда инвестициялар оқимининг кўпайиши ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш даражасини оширишда муҳим омил бўлмоқда. «Бутун жаҳон экспорт ишлаб чиқариш зоналари ассоциацияси маълумотларига кўра, жаҳон савдосининг 30% дан ортиғи эркин иқтисодий зоналар орқали амалга оширилади. Эркин иқтисодий зоналар йилига камида 3500 миллиард АҚШ долларига тенг товар ва хизматларни экспорт қилади. Бу, ўз навбатида, глобал товарлар савдосининг 20 фоизини ташкил этади»¹. Эркин иқтисодий зоналар (кейинги ўринларда ЭИЗ деб юритилади) хорижий ва маҳаллий инвестициялар оқимини кўпайтириш, экспорт компоненти ва инновацион маҳсулотлар ҳажмини ошириш ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Жаҳонда эркин иқтисодий зоналарнинг салоҳият ва имкониятларидан самарали фойдаланиш, улар таркибида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган қулай шароитлар ҳамда тақдим этилаётган инфратузилма-логистика хизматлари турларини кўпайтириш ва самарадорлигини ошириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Эркин иқтисодий зоналарнинг маъмурий-бошқарув тизимини такомиллаштириш, улар таркибидаги тадбиркорлик субъектларининг инновацион ва инвестицион фаоллигини рағбатлантириш, экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар турларини диверсификациялаш ҳамда технологик жиҳатдан таркибини такомиллаштириш, инновацион ишланмаларни жорий этишдан манфаатдорликни ошириш ва рағбатлантириш, инновацион-инвестицион фаолият жараёнларини рақамли платформаларга ўтказиш кабилар бу борадаги тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини жаҳон хўжалигига интеграциясини жадаллаштириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини кондириб боришда замонавий технологияларга асосланган, бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни эркин иқтисодий зоналарда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари орқали ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “ЭИЗларнинг фаолиятини самарали ташкил этган ҳолда, тадбиркорлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, улар фаолиятига инвестицияларни жалб этиш”² устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши эркин иқтисодий зоналарда етакчи тармоқлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хомашё ва материаллар, транспорт-

¹ Манба: https://unctad.org/en/Publication_Chapters/WIR2020_CH4.pdf , 2020 у.; <https://www.ifw-kiel.de/institute/research-centers/business-cycles-and-growth/projects/world-free-zones-economic-outlook/?cookieLevel>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони. – www.lex.uz

логистика хизматларининг бирлашган таъминоти негизида ўзаро интеграциялаш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар тақдим этишнинг эркин иқтисодий зоналарга киритиш талаб этиладиган инвестиция миқдори, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт-логистика тизимининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантириш асосида узоқ муддатли истикболда инвестициялар жалб этиш ва экспорт ҳажми прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2019 йил 19 майдаги ПФ-5719-сон «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2017 йил 25 октябрдаги ПФ-3356-сон «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Й.Шумпетер, М.Портер, А.Венаблес, Х.Гленн, П.Кругман, Б.Роберт, М.Фужита, Б.Шаун, М.Энрайт ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган³.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан А.Г. Гранберг, Ю.А. Гаджиев, О.Г.Дмитриева, Н.Зубаревич, С.В. Казанцев, И.Н. Меренкова, А.Н. Носов, О.И. Пантелеева, Д.Сепик, Л.А. Серебрякова ва бошқалар эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, уларни халқаро интеграцияда тутган ўрни, ушбу механизмдан мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришда фойдаланишнинг назарий масалаларига алоҳида эътибор

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов // Антология экономической классики. В 2-хт.-М.: Изд-во МГУ, 1993 г, 192 с.; Шумпетер Й.А. Экономическое пространство: теория и приложения // Пространственная экономика. №2. 2007 г, 204 с.; Hilhorst Jos G.M., Chaoran Hu. Industrialization and Local / Regional Development Revisited // Development and Change. 2018-у, Vol 4, 15 p; B. Roberts, A. Murray. National and regional corporate spatial structure // The Annals of Regional Science. 2002-у, Vol 36, 13 p.; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. - The MIT Press, 2001-у, 384 p.; Shaun B. and Glenn H. Microregionalism and world order: concepts, approaches and implications. London: Palgrave Macmillan, 2003-у, 272 p.

қаратганлар⁴.

Ўз навбатида, ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.В.Вохобов, С.С. Мирзалиева, Ш.И. Мустафақулов, С.А. Закирова, А.Т. Досчанов, З.Р. Хусанова, Д.Ю. Хўжамқулов, М.А. Раимжонова, А.А. Остонакулов, Ж.И. Каримқулов, Р.А. Исламова, С.С. Бозаров, М.К. Рашидов, Р.Р. Кузиев, А.У. Акрамов, Н.Р. Ражабов⁵ ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш асосида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

⁴ Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М.: ГУ ВШЭ, 2003 г, 52 с.; Гаджиев Ю.А. Зарубежные новые теории регионального роста и развития // «Корпоративное управление и инновационное развития Севера». Вестник Сыктывкарского государственного университета. №2, 2008 г, 158 с.; Дмитриева О.Г. Региональная экономическая диагностика. Университета экономики и финансов, 1992 г, 83 с.; Зубаревич Н. Региональное развитие и институты // Экспертный портал Высшей школы экономики «Открывая экономика», 2002 г, 301 с.; Казанцев С.В. Потенциал экономики регионов России как основа их внутренней конкурентоспособности. // Регион, 2004 г, №1, 87 с.; Меренкова И.Н. Диагностика уровня развития сельских территорий // «Региональная экономика: теория и практика», 2010 г, №24, 98 с.; Носов А.К. Управление взаимоотношениями в региональной кластерной структуре, связанной цепью поставок. // Логистика и управление цепями поставок, 2009 г, №6, 63 с.; Пантелева А.П. Применение индикаторов устойчивого развития на региональном и муниципальном уровнях // Региональная экономика: теория и практика, 2010 г, №22, 177 с.; Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // Регион: экономика и социология, 2005, №2, 82 с.; Серебрякова Л.А. Методы оценки уровня социально-экономического развития регионов // Вестник Севкав ГТУ, серия «Экономика», 2003 г, №3, 91 с.

⁵ Вохобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўланма. - Т.: Молия, 2010, 124 б.; Мирзалиева С.С. Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.: Автореф. дис. и.ф. н. - Т.:ТДИУ, 2001. 24 б.; Мустафақулов Ш.И.Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2017. 14 б.; Закирова С.А., Сираждинов Н. Повышение конкурентоспособности экономики Узбекистана в условиях либерализации и углубления экономических реформ, монография, «Иқтисодиёт»: Т-2021, 36 б.; Досчанов А.Т. Инновация шароитида тадбиркорлик тизимини барқарор ривожлантиришнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш (Хоразм вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Хоразм-2021. 11 б.; Хусанова З.Р. Инновацион иқтисодиётда аёллар тадбиркорлигини бошқариш механизминини такомиллаштириш (Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Андижон-2021, 5 б.; Хўжамқулов Д.Ю. Эркин иқтисодий ҳудудлар. Дарслик. - Т.:Иқтисодиёт, 2019. 14 б.; Раимжонова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. «Extremum-press» нашриёти, 2013 й. 76 б.; Остонакулов А.А. Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент-2017. 18 б.; Каримқулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Тошкент-2019. 10 б.; Исламова Р.А. Эркин иқтисодий зонали ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Самарқанд-2019. 8 б.; Бозаров С.С. Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018. 23 б.; Рашидов М.К. Минтақа иқтисодиётини эркин иқтисодий зоналар фаоллигини таъминлаш асосида ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2021. 16 б.; Кузиев Р.Р. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018. 14 б.; Акрамов А.У. Эркин иқтисодий зоналарни шакллантириш механизмлари ва истиқболлари ўзбекистон инновацион ривожлантиришнинг омили сифатида. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент-2021. 12 б.; Ражабов Н.Р. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш (Навоий ЭИЗ мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент-2021. 15 б.

Бироқ юқорида қайд этилган илмий тадқиқотларнинг аксарияти бевосита мамлакатни умумижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва инновацион шароитда ЭИЗлар фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган бўлиб, ЭИЗларда тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш муаммоси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928323-рақамли “Минтақалар экспорт салоҳиятини оширишда инвестиция дастурларидан самарали фойдаланиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини таҳлил қилиш ва унинг қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик ва инновацион тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатларини очиқ бериш;

жаҳон тизимида ЭИЗларнинг тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантиришда тутган ўрни ва афзалликларини асослаш;

ЭИЗларда тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини таҳлил этиш;

ЭИЗларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тармоқлараро ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш;

ЭИЗларда тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

ЭИЗларда илм-фан ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти интеграцияси асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш самарадорлигини баҳолаш;

пандемиядан кейинги даврда ЭИЗлардаги тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш орқали 2030 йилгача жалб этиладиган инвестициялар ва экспорт ҳажми прогнози кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналаридаги тадбиркорлар субъектларнинг инновацион-инвестицион фаолияти механизмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар, жумладан, “Навоий” ЭИЗсидаги тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб эркин иқтисодий зоналарда

тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий-ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, омилли таҳлил ва синтез, монографик таҳлил, индукция ва дедукция, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танланма кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарда етакчи тармоқлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хомашё ва материаллар, транспорт-логистика хизматларининг бирлашган таъминоти негизида ўзаро интеграциялаш орқали қурилиш, мебель ва қоғоз, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,1-1,62 баравар чегарада ошириш имкониятлари аниқланган;

эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини инновационлик тавсифига кўра юқори (0,75-1,0), ўрта (0,55-0,74) ва паст (0-0,54) даражаларга ажратиш ҳамда қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ва инфратузилма хизматларидан фойдаланишда мазкур даражалардан келиб чиққан ҳолда устуворлик бериш орқали рағбатлантириш таклифи асосланган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан имтиёзларга эга бўлиш учун эркин иқтисодий зоналарга киритиш талаб этиладиган инвестиция миқдорини ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт-логистика тизимининг ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш таклифи асосланган;

“Навоий” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантириш асосида 2030 йилга қадар жалб қилинадиган инвестициялар ва экспорт ҳажми прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

эркин иқтисодий зоналарда тармоқлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хомашё ва материаллар, транспорт-логистика хизматларининг бирлашган таъминоти негизида ўзаро интеграциялаш орқали мавжуд тармоқларда маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўшимча самарадорликка эришиш имкониятлари аниқланган;

эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини инновационлик тавсифига кўра юқори, ўрта ва паст даражаларга ажратиш орқали қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ва инфратузилма хизматларидан фойдаланишда мазкур даражалардан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириш асосланган;

ЭИЗларда тадбиркорлик субъектарининг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш самарадорлиги инсон ресурслари, ер майдони, ҳудуд ихтисослашуви, инновация ва инвестиция мезонлари орқали такомиллаштирилган иқтисодий модел асосида баҳоланган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан имтиёзларга эга бўлиш учун эркин иқтисодий зоналарга киритиш талаб этиладиган инвестиция

миқдорини ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт-логистика тизимининг ривожланганлик даражасидан ҳамда пойтахтдан узоқлигига кўра аниқланган ҳолда табақалаштириш тадқиқ этилган;

эконометрик моделларни қўллаш асосида ЭИЗларда тадбиркорлик субъектарининг инновацион фаолиятини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг экспорт ҳажмини максимал кўрсаткичларга чиқариш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончилиги, республика ва ҳудудий барқарор ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга мослиги ҳамда тегишли хулосаларни тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ёритилган миқдорий усуллар ва илмий хулосалардан ЭИЗларда тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда тадбиркорликнинг субъектларининг тармоқлараро боғлиқлиги самарадорлигини баҳолаш, олинган натижалардан ЭИЗларни узоқ муддатли ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича илмий-услубий ишланмларни шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда олинган таҳлилий маълумот ва таклифлардан эркин иқтисодий зоналар маъмурий кенгашлари ва дирекциялари амалий фаолиятини ташкил этишда, уларда жойлашган тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантиришининг истиқбол кўрсаткичлари ҳамда турли иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик субъектларининг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш истиқболлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эркин иқтисодий зоналарда етакчи тармоқлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хомашё ва материаллар, транспорт-логистика хизматларининг бирлашган таъминоти негизида ўзаро интеграциялаш орқали қурилиш, мебель ва қоғоз, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,1-1,62 баравар чегарада ошириш таклифи “Навоий” ЭИЗда тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Навоий” ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2021 йил 27 декабрдаги 01/983-21-сон ҳамда Навоий вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 27 декабрдаги 02/86-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2021 йилнинг 9 ойи даврида “Навоий” ЭИЗдаги

тадбиркорлик субъектларининг логистика билан боғлиқ харажатлари 9,2 фоизга камайган ва экспорт ҳажми 13,1 фоизга ошган;

эркин иқтисодий зоналардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини инновационлик тавсифига кўра юқори (0,75-1,0), ўрта (0,55-0,74) ва паст (0-0,54) даражаларга ажратиш ҳамда қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ва инфратузилма хизматларидан фойдаланишда мазкур даражалардан келиб чиққан ҳолда устуворлик бериш орқали рағбатлантириш таклифи “Навоий” ЭИЗда тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Навоий” ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2021 йил 27 декабрдаги 01/983-21-сон ҳамда Навоий вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 27 декабрдаги 02/86-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йилнинг 9 ойи даврида тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳажми 12,6 фоизга ошган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан имтиёزلарга эга бўлиш учун эркин иқтисодий зоналарга киритиш талаб этиладиган инвестиция миқдорини ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт-логистика тизимининг ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш таклифи “Навоий” ЭИЗда тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Навоий” ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2021 йил 27 декабрдаги 01/983-21-сон ҳамда Навоий вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 27 декабрдаги 02/86-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида 2021 йилнинг 9 ойи даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятига инвестицияларни жалб қилиш 10,6 фоизга ошган;

“Навоий” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантириш асосида 2030 йилга қадар жалб қилинадиган инвестициялар ва экспорт ҳажми прогноз кўрсаткичлари “Навоий” ЭИЗда тадбиркорлик ва инвестицион фаолиятни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Навоий” ЭИЗ дирекцияси” АЖнинг 2021 йил 27 декабрдаги 01/983-21-сон ҳамда Навоий вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 27 декабрдаги 02/86-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида “Навоий” ЭИЗсида ўрта ва узоқ муддатли прогноз параметрларини ўзаро мувофиқлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий журналларда 2 та ҳамда 3 та халқаро журналларда мақола, 2 та халқаро ва 10 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятининг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида тадбиркорлик субъектлари инновацион ва инвестицион фаолиятининг ташкилий иқтисодий механизмлари ва уларнинг ривожланиш босқичлари, тадбиркорлик ва инновацион тадбиркорлик тушунчаларининг фарқи, тадбиркорлик субъектларининг инновацион ва инвестицион фаолияти назарияси, ЭИЗларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини инновацион-инвестицион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ёритиб берилган.

Бугунги тез суръатлардаги иқтисодий ривожланиш ва рақобатбардошликнинг кучайиши жараёнида инновацион тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Ушбу жараён ҳар қандай ривожланган ва ривожланаётган хўжалик системаси учун яшаш ва ривожланиш учун объектив эҳтиёждир⁶. Мамлакат рақобатбардошлигини белгилашда бошқа омиллар қаторида тадбиркорликнинг инновацион-инвестицион фаолияти ҳам муҳим ўрин эгаллайди⁷. Жумладан, кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар тадбиркорлик ва инновацион тадбиркорлик тушунчасини изоҳлаганлар (1-жадвал).

1-жадвал

Тадбиркорлик ва инновацион тадбиркорлик таърифи⁸

Тадбиркорлик категорияси	Инновацион тадбиркорлик категорияси
А.Смит (1723-1783) «Кўзга кўринмас кўл» тамойили асосида тадбиркорликка оид ўз концепциясини ишлаб чиққан. Унинг фикрига кўра, бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатадиган ҳар бир инсон иқтисодий одам ҳисобланади.	Инноватор тадбиркор бугунги кунда инновацион лойиҳалар, ишланмалар ва технологияларни фаол қўллаган ҳолатда бозорга кириб бориши мумкин.
Ж.Б. Сэй (1762-1832) бизнес, тадбиркорликни анча кенг, максимал маҳсулот (фойда) олиш мақсадида воситачи, ишлаб чиқариш омилларини бир – бирига уйғунлаштирувчи	Инновацион тадбиркорликда янгилик яратиш мақсадида иқтисодиётдаги ҳали маълум бўлмаган ёки кенг тарқалмаган омиллардан фойдаланиш ёки уларни анъанавий омиллар билан уйғунлаштириш амалга оширилади.

⁶ Драпун Ю.И. “Проблемы финансирование малого и среднего бизнеса” Челябинск 2013г. ст 80.

⁷ Stough R. R. Entrepreneurship and Regional Economic Development: Some reflections Investigaciones Regionales – Journal of Regional Research, 36(2016) – Pages 129 to 150.

⁸ Маълумотлар муаллиф томонидан йиғилди.

иқтисодий агентдир, деб таърифлайди.	
--------------------------------------	--

1-жадвал давоми

Ж.М. Кейнс (1883-1946) иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, самарали талабни, инвестицияга бўлган мойилликни рағбатлантириш орқали тадбиркорликни ривожлантириш ғоясини илгари сурди.	Фаол тадбиркор янги ва талаб юқори бўлган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.
Й.Шумпетер (1883-1950) тадбиркорни ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, унинг янги йўллари, комбинацияларини ишлаб чиқувчи деб атаган. Унинг фикрига кўра, иқтисодий мувозанат бузилган шароитда иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тадбиркор намоён бўлади	Инновацион тадбиркорлик тадбиркорларнинг олдига ўзига хос талаблар қўяди, уларнинг доимий равишда ижод қилиши ва изланиши, янги билимларни ўзлаштириши ва амалиётга жорий этишини тақозо этади.
У.В. Гофуров тадбиркорлик – бу мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда фойда олиш учун бўлган фаолликдир. Унинг фикрига кўра, тадбиркорлик давлат томонидан тадбиркорликнинг ҳар бир ривожланиш босқичида шунга мос ҳолда қўллаб-қувватланиши керакдир. Шундагина тадбиркорлик фаолияти жадал ривожланади.	Инновацион тадбиркорлик – бу йирик ва кичик корхоналар ўртасидаги интеграция асосида юзага келган янги ғоялар асосида ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Унинг фикрига кўра, «Модернизация ва инновациялар жамғармаси»ни барча йирик корхоналарда ташкил этиш, инновацион фаолиятда кичик бизнес субъектларининг иштирокини фаоллаштириш мақсадида жамғарма маблағларининг муайян қисмини инновацион кичик бизнес корхоналари билан ҳамкорликда фойдаланилишини таъминлаш орқали самарадорликни ошириш мумкин бўлади.
Муаллифлик ёндашуви: тадбиркорлик – бу иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида фойда олиш, иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш учун фаолият олиб боришдир.	Инновацион тадбиркорлик – бу мавжуд тадбиркорлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш учун илм-фан изланишлари асосида вужудга келган янги ғояларни амалга ошириш ҳамда фаолиятга қўшимча инвестицияларни жалб қилган ҳолда ривожланишни жаъдаллаштиришдир.

Иқтисодчи олимлар томонидан келтирилган фикрлар турлича бўлса ҳам, аммо бир жиҳат, яъни янгиликка интилиш, янги ғояларни молиялаштиришни рағбатлантириш мақсади инновацион тадбиркорлик фаолиятининг бирлаштирувчи хусусияти ҳисобланади. Шунга кўра, бугунги кунда тадбиркорликнинг инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш учун ЭИЗлар муҳим воситадир.

ЭИЗларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид қарашлар Р.Р. Қўзиев илмий изланишида ўрганилган бўлиб, унда Р.Р. Қўзиев ЭИЗ деганда «тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилган, мамлакатнинг бошқа қисмларида қўлланилмайдиган махсус хўжалик юритиш режими, бошқарув тизими ҳамда имтиёзлар ва рағбатлар тўплами

жорий этилган миллий иқтисодий маконнинг бир қисми сифатида тушунилади, ва шунингдек, ЭИЗ маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун энг сўнгги технологиялар асосида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини шакллантиришга имкон берадиган имтиёзлар ва рағбатлар тизими яратиладиган, бу эса ўз навбатида, юқори сифатли маҳсулот (ҳам товарлар, ҳам хизматлар) ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига етказиб беришни, жойлашган ҳудудда ва умуман мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлаши мумкин бўлган, миллий иқтисодий маконнинг бир қисмидир»⁹. Фикримизча ҳам ушбу ёндашув бугунги кундага ЭИЗларнинг вазифасини ва ташкил этиш мақсадинин очиб бера олади.

Жаҳон иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналарни ўрганиш, шунингдек, иқтисодиёт тизими ривожланишининг асосий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда самарали инновацион ва инвестицион ЭИЗ ривожланиш моделини ўзига хос хусусиятларга эга қилиб қуйидагича лойиҳалаштириш мумкиндир (1-расм).



1-расм. Инновацион ва инвестицион ЭИЗ ривожланиш модели¹⁰

Юқоридаги ЭИЗ моделида муҳим ва бирламчи рол самарали фаолият кўрсатишнинг асосий дақиқалари ва шароитлари аниқланган ЭИЗ яратиш тушунчасига, зонанинг ўзаги, унинг фаолият кўрсатиш мақсади, инвестиция

⁹ Кўзиев Р.Р. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018. 14 б.

¹⁰ O.G. Timchuk, L.G. Nikityuk, E.Yu. Gorbachevskaya «Free Economic Zones as the Basement to Increase Innovation and Investment Activity of Economic Units», Irkutsk National Research Technical University, Russia, 2018, 10 с.

схемаси ва кутилаётган самараларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган. Моделда логистик марказ ажратилган бўлиб, у оптимал транспорт схемасини шакллантириш, етказиб берувчидан ишлаб чиқарувчига ва ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига товарлар (хизматлар ёки ресурслар) етказиб бериш вақтини камайтиришга ёрдам беради. ЭИЗ ҳаётий сиклининг ҳар бир босқичини самарали бошқариш инновациялар ва инвестиция турларидан кутилаётган иқтисодий самарага эришишга олиб келади.

Хориж тажрибасини ўрганиш ва олиб борилган изланишлар натижасидан ЭИЗлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш модели ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. ЭИЗлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш модели ¹¹

Тадбиркорлар орасида ўтказилган сўровларда уларнинг деярли 55 фоизи логистика билан боғлиқ муаммоларни белгилашди. Шу сабабли ушбу модел Логистика маркази ва интернет платформаси интеграцияси орқали такомиллаштирилди.

Диссертация ишининг «**Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида ЭИЗлардаги тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон эркин иқтисодий зоналаридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмлари таҳлили, мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг тармоқлараро ривожлантириш тенденцияларини эмпирик моделлаштириш, эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектлари инновацион-

¹¹ Илмий изланишлар натижасида муаллиф тононидан ишлаб чиқилди.

инвестицион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар таҳлили ўрганилган ва кенг таҳлил этилган.

Тадқиқот давомида “Навоий” ЭИЗси иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди ва ЭИЗда тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражаси паст эканлиги аниқланди (2-жадвал).


2-жадвал

“Навоий” ЭИЗси самарадорлик кўрсаткичлари (2019-2021 й)¹²

“Навоий” ЭИЗ	2019 й	2020 й	2021 й
Жами инвестициялар	167,5	195,1	361,24
Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми (млн.долл)	49,8	50,9	115,62
Ишлаб чиқариш ҳажми (млн.долл)	114,7	182,1	221,5
Инновацион маҳсулотлар ҳажми (млн.долл)	10,3	20,8	31,7
Экспорт ҳажми (млн.долл)	7,73	23,5	39,12

Юқоридаги жадвал кўра, “Навоий” ЭИЗсида ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ҳажми ҳамда инновацион маҳсулотлар ҳажмида катта фарқ бор, бу эса ЭИЗларда тадбиркорлик субъектлари томонидан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми камлиги ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида эса инновацион технологияларни жорий этиш сушт эканлиги ва жаҳон бозорига чиқиш харажатларининг юқорилиги ҳамда ахборот-алмашинув ва хорижий ҳамкорлар учун тадбиркорлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасининг шаклланмаганлиги билан изоҳланади. Шу сабабли тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашда янгича ёндашув зарурдир.

Тадқиқотда давомида “Навои”, “Жиззах”, “Ангрен” ЭИЗларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолияти малакали ишчилар сони, инновацион технологиялар билан таъминланганлик даражаси, ишлаб чиқаришда инновацион маҳсулотлар улуши, инвестиция ҳажми кўрсаткичлари орқали инновационлик тавсифига кўра юқори (0,75-1,0), ўрта (0,55-0,74) ва паст (0-0,54) даражаларга ажратиб чиқилди (3-расм).



3-расм. “Навоий”, “Жиззах”, “Ангрен” ЭИЗларидаги тадбиркорлик субъектларининг инновацион ривожланганлик даражаси¹³

¹² Статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

Юқоридаги расмга кўра, ЭИЗлардаги тадбиркорлик субъектларининг юқори инновационлик даражаси ўрта ва қуйига нисбатан пастроқдир (“Навой” ЭИЗсида 23,1%, “Жиззах” ЭИЗсида 17,5%, “Ангрен” ЭИЗсида 11,8%), шу сабабли тадбиркорлик субъектларига қулай ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ва инфратузилма хизматлари ҳамда бошқа имтиёزلардан фойдаланишда мазкур даражалардан келиб чиққан ҳолда устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, тадқиқот давомида йиғилган маълумотлар асосида ЭИЗларда 10 та етакчи тармоқлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хомашё ва материаллар, транспорт-логистика хизматларининг бирлашган таъминоти негизида ўзаро интеграциялаш орқали мавжуд тармоқларда маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кўшимча самарадорликка эришиш имконияти иқтисодий моделлари аниқланди (3-жадвал). Мазкур моделлардан фойдаланишнинг энг асосий мақсади сифатида эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мавжуд тармоқ ичида ўзаро ривожлантириш имкониятларини оширишга қаратилган ихтисослашган кластер тизимининг устунлик жиҳатлари асосида кенг ҳамкорликда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлашга қаратилган.

3-жадвал

Мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналарида ихтисослашган 10 та тармоқда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари иқтисодий самарадорлиги SEM модели регрессия таҳлили¹⁴

№	Иқтисодий модел	P value	Детерминация коэффициенти (R ²)
1.	кур_мат (Y) = -199.4547+1.626423 ким_нефт (X)	0,029	0,562
2.	меб_коғ (Y) = -26.03248+0.122888 ким_нефт (X)	0,012	0,562
3.	иссиқхона (Y) = -117.0942+0.9117889 ким_нефт (X)	0,203	0,562
4.	фарма (Y) = - 90.09629+0.5481718 ким_нефт (X)	0,076	0,562
5.	тўқимачилик (Y) = 4.533176 – 0.000348 элект_тех (X)	0,00	0,562
6.	метал (Y) = 3.743448+0.000324 маш соз (X)	0,00	0,562
7.	мехмонхона (Y)= 47.17979+0.127982 кур_мате (X)	0,00	0,562

Олинган натижаларга кўра (3-жадвал):

- кимё ва нефть саноатига ихтисослашган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллиард сўмга ошириш қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни 1.62 бараварга оширади;

- кимё ва нефть саноатига ихтисослашган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллиард сўмга ошириш мебель ва қоғоз соҳасидаги маҳсулот ишлаб чиқаришни 12 фоизга оширади;

- кимё ва нефть саноатига ихтисослашган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллиард сўмга ошириш иссиқхоналарда маҳсулот етиштиришни 91 фоизга оширади;

¹³Статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.

¹⁴ Статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

- кимё ва нефть саноатига ихтисослашган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллиард сўмга ошириш фармацевтика соҳасида маҳсулот ишлаб чиқаришни 55 фоизга оширади;

- тўқимачилик саноатига ихтисослашган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллиард сўмга ошириш учун электротехника тармоғида 0,035 фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш лозим (Cronbach alpha тестига асосан, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва ускуналарнинг интензивлиги шунингдек, юқори даражада энергия тежамкор, рақамлаштирилган, иш бажарайшнинг мураккаблик даражаси, саноат 4.0 тизимидаги дастурий таъминотнинг мавжудлиги ва техникаларнинг мобиллик хусусиятларидан келиб чиқиб тескари боғлиқлик қайд этилмоқда)¹⁵;

- машинасозлик саноатига ихтисослашган ҳудудларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бир миллиард сўмга ошириш металлургия соҳасида маҳсулот ишлаб чиқаришни 0,032 фоизга ошириши аниқланди (3-жадвал).

Тадқиқот натижасига кўра, эркин иқтисодий зоналарда етакчи тармоқлар бўйича тадбиркорлик субъектлари фаолиятини хомашё ва материаллар, транспорт-логистика хизматларининг бирлашган таъминоти негизида ўзаро интеграциялаш орқали қурилиш, мебель ва қоғоз, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,1-1,62 баравар чегарада ошириш имкониятлари мавжудлиги аниқланди.

Олинган регрессион таҳлил натижаларининг кўрсатишича, ҳисобланган детерминация коэффицентининг ($R^2 = 0,562$) қиймати 56,2 фоизга тенг бўлиб, бундан келиб чиқадики, мамлакатимиз эркин иқтисодий зоналарида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўзаро интеграцияси иқтисодий самарадорликнинг 56,2 фоизини изоҳламоқда. Cronbach alpha тестига мувофиқ моделнинг аниқлик даражаси 92,64 фоизни ташкил этиб, ўртача ковариация қиймати (average interitem covariance) 3553034 га тенг. Юқоридаги молеллардан 1, 2, 4, 5 моделларни “Навоий” ЭИЗсида фаолият юритаётган тармоқларга татбиқ этиш мумкин (3-жадвал).

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини комплекс ривожлантириш, аввало, тармоқдаги корхоналар иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, янги иш ўринларини ташкил этиш, импортга таянган соҳаларни маҳаллийлаштириш ҳамда тармоқларга инвестицияларни жалб этишга боғлиқ бўлади. Натижада корхоналарда инновацион-инвестицион ёндашувлар асосида юқори сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Тадқиқот ишимизда биз мазкур муаммоларни мамлакатимизнинг 19 ҳудудда фаолият юритаётган жами 441 нафар тадбиркорлик субъектларининг 2019-2021 йил мобайнидаги фаолиятини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Далилий ёндашув ва объективлик сифатида, эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектлари инновацион-инвестицион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар таҳлилини ўрганиш мақсадида Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.

¹⁵ <https://www.researchgate.net/post/How-to-test-causality-by-using-SEM>

Таҳлил жараёнида омилли таҳлил (Factor Analyses) услубидан фойдаланилган бўлиб, олти босқичдаги амаллар ва буйруқлар асосида моделлаштирилди. Бу услуб баъзи адабиётларда индекслаш услуби деб ҳам номланади¹⁶.

Модел шартларига кўра, ўхшаш параметрларни тадқиқот жараёнида кузатилмаган янги индекс остида жамлаб улар орасидаги муносабатлар факторлар қийматларига кўра таҳлил қилинади¹⁷. Биз жами параметрларни тўрт асосий индексга, яъни Инвестиция индекси (банк маблағлари, ўз маблағи), Ер майдони индекси (ишлаб чиқариш салоҳияти, ер майдони_гектар), Инновациялар индекси (маҳаллийлаштириш, молиялаштириш, яратилган иш ўринлари сони), Самарадорлик индексига (экспорт ҳажми ишлаб, чиқариш ҳажми, тадбиркорлик субъектлари ҳудудлар бўйича тақсимот, ҳудуд ихтисослиги) бирлаштирдик.

Эндиликда шаклантирилган тўрт индексни (Latent) ўзаро муносабатларини аниқлаш учун моделлаштириш жараёнини бир қатор тестлар воситасида амалга оширамиз. Ушбу таҳлилда максимум даражадаги аниқлик (maximum likelihood) услубидан фойдаланилди. Унга кўра тадқиқот жараёнида иштирок этган 11 мустақил ўзгарувчиларнинг турли бирлик ва миқдорларда бўлганли туфайли яхлитлаш ва тизимлаш усулбуда 4 индексга айлантириб олиш натижасида умумий ҳолда хулоса қилиш мумкин бўлади. Моделнинг аниқлигини таъминлаш учун (maximum likelihood) СТАТА 16.0 дастури 467 да тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан 399 та лойиха танланган. Юқоридаги таҳлиллардан қуйидаги классик чизиқли моделлар тузиб олинди:

$$I. \quad Y = 0.4306432 \cdot X1 + 0.024974 \cdot X2 + 0.966334 \quad (1)$$

$$innovatsiya.ind = 0.4306432 \cdot investitsiya + 0.024974 \cdot yer maydoni + 0.966334$$

$$II. \quad Y = 0.0021336 \cdot X1 + 0.0608672 \quad (2)$$

$$investitsiya.ind = 0.0021336 \cdot yer maydoni + 0.0608672$$

$$III. \quad Y = -0.6329833 \cdot X1 + 0.4070874 \cdot X2 - 0.0067952 \cdot X3 + 0.7365872$$

$$samaradorlik = -0.6329833 \cdot innovatsiya + 0.4070874 \cdot investitsiya - 0.0067952 \cdot yer maydoni + 0.7365872$$


